

## Тўсатдан келадиган балодан сақланиш



06:19 / 20.11.2025 1714

هُلِّلَا لِيَصِدْ هَلِّ لَلْا لُوسِرُّتْ عَمَسْ : لِقَاقِ اُمُّوَعْ هَلِّ لَلْا يَضَرُّ هَبَّ اَنْعَ ، اَنْ اَمُّتْ عَرَبْ اَنْ اَبَّ اَنْعَ  
اَلْوَضْرَّ اَلْا يَفْ اَنْ شَرِّ هَمَّ سَاغَمَّ رُضَيَّ اَلْا يَدَّلْ هَلِّ لَلْا مَسْبَلْ اَقْ اَنْ مَ : لُوقَيَّ مَلَّ سَوَّ هَلِّ لَلْا  
يَسْمُيَّ يَتَحَّ اَلْبُ اَجَّ فُ هَبَّ صُتْ مَلِّ تَارْمَ ثَا لَثْ ، مَيَّ لَعْلَا عِيَّ مَّ سَلْ اَوْ هَوَّ اَمَّ سَلْ اَلْا يَفْ  
لَا قَفْ ، هَلِّ لَلْا رُطْنَيَّ ثَيَّ دَخْلَا هَنْعَ عَمَسْ يَدَّلَا لُجْرَلْ اَلْعَجَّ فُ ، جَلْ اَفَلْ اَبَّ اَبَّ اَصَّ اَفْ : لِقَاقِ  
سَيَّ بَلْ اَلْا يَلَّعْ اَنْ اَمُّتْ عَبَّ دَكَّ اَلْوَ ، اَنْ اَمُّتْ عَ يَلَّعْ اَنْ اَمُّتْ عَبَّ دَكَّ اَمَّ هَلِّ لَلْا اَوْفْ ! يَلِّ لَلْا رُطْنَتْ كَلَّ اَمَّ : هَلِّ  
تُبَّضَغْ يَنْ اَبَّ اَصَّ اَمَّ هَلِّ لَلْا يَفْ يَنْ اَبَّ اَصَّ اَلْا مَوِّيَّ لَلْا نَكَلْوَ ، مَلَّ سَوَّ هَلِّ لَلْا اَلْا يَلَّصْ  
يَنْ سَلْ اَبَّ اَصَّ اَمَّ هَلِّ لَلْا هَدَّ يَوَّرْ . اَهَلِّ لَلْا نَأْتِيَّ سَنَفْ

Абон ибн Усмондан, у отаси розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Ким  
«Бисмиллаҳиллази лаа язурру маъа исмиҳи шайъун фил арзи ва  
лаа фис-самааи ва ҳувас-самийъул алийм»ни уч марта айтса, кеч  
киргунча унга тўсатдан келадиган бало етмайди», деганларини**

**эшитдим».**

**Абонга фалаж етди. Ундан юқоридаги ҳадисни эшитган киши унга қарай бошлади. Шунда Абон унга:**

**«Нимага менга (бундай) қараяпсан?! Аллоҳга қасамки, мен Усмонга ёлғонни нисбат берганим йўқ. Усмон ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлғонни нисбат бергани йўқ. Аммо менга мусибат етган куни ғазабланиб, уни айтишни унутибман», деди».**

*Ушбу олтитани «Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифнинг ровийси ва қаҳрамони Абон ибн Усмон розияллоҳу анҳу учинчи халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ўғилларидир. У киши оталари – буюк саҳобий Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ким «Бисмиллаҳиллазии лаа язурру маъа исмиҳи шайъун фил арзи ва лаа фис-самааи ва ҳувас самийъул алийм»ни уч марта айтса, кеч киргунча унга тўсатдан келадиган бало етмайди»** деган ҳадисларини эшитиб, кейин ўзлари одамларга ривоят қилиб юрар эканлар. Иттифоқо, бир куни у киши фалаж хасталигига чалинибдилар.

Бемор ётган Абон ибн Усмон розияллоҳу анҳуни кўргани одамлар кела бошлабдилар. Шунда у кишидан биз ўрганаётган ушбу ҳадиси шарифни ривоят қилган киши ҳам келиб қолибди. У киши Абон ибн Усмон розияллоҳу анҳуга ажабланиб қарай бошлабди.

Унинг қарашида «Ўзинг шундай ҳадиси шарифни ривоят қилиб туриб, қандай қилиб бу балога йўлиқдинг? Ҳадиси шарифга ўзинг амал қилмасмидинг?» деган савол бор эди. Буни сезган Абон ибн Усмон розияллоҳу анҳу ҳалиги одамга:

**«Нимага менга (бундай) қараяпсан?! Аллоҳга қасамки, мен Усмонга ёлғонни нисбат берганим йўқ. Усмон ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлғонни нисбат бергани йўқ. Аммо менга мусибат етган куни ғазабланиб, уни айтишни унутибман», деди».**

Демак, ким ихлос билан ушбу ҳадиси шарифда келган дуони ўқиб юрса, унда берилган ваъдадан баҳраманд бўлар экан. Бунга эътиқод ва амал қилишга одатланмоғимиз керак.

Дуонинг маъноси қуйидагича: «Исми бирга бўлганда ҳеч нарса зарар қилмайдиган Аллоҳнинг номи ила. У Зот ўта эшитувчи ва ўта кўрувчидир».

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.